

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 926-ҳадис

926/1944- عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ إِلَى مَكَّةَ فِي رَمَضَانَ فَصَامَ، حَتَّى بَلَغَ الْكَدِيدَ أَفْطَرَ، فَأَفْطَرَ النَّاسُ.

926.1944. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Рамазонда Макка томон йўлга чиқдилар. Рўза тутиб олдилар. Кадидга* етганларида оғизларини очиб юбордилар, одамлар ҳам оғизларини очиб юборишди».

Абу Абдуллоҳ айтади: «Кадид - Усфон ва Қудайд орасидаги сув (ҳавзаси)».

* Усфон - Макка билан Мадина орасини боғлаб турадиган қишлоқлардан бири. Қудайд Маккадан 42 мил (бир мил - 1848 м) узоқликда жойлашган қишлоқ. Кадид иккала қишлоқ орасидаги серсув жой бўлиб, ўша ердаги сувнинг номи билан аталган. Ҳадисдаги оғиз очиш аср пайтидан кейинок бўлган. Бундан мусофир машаққатга тушиб қолса, рўзасини очиб юбориши жоизлиги келиб чиқади.

Манба: hadis.islom.uz

